

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ОФТАЛЬМОЛОГИЯ ХИЗМАТИНИНГ ТАРИХИ

Мухамадиев Р. О.

Тиббиёт фанлари доктори, Офтальмология кафедраси профессори, Тошкент тиббиёт Академиясининг Термиз филиали

Аннотация. Долзарблиги. "Миллий тарихимизни миллий руҳ билан яратиш керак. Акс ҳолда унинг тарбиявий таъсири бўлмайди. Биз ёшларимизни тариҳдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз зарур", - Шавкат Миромонович Мирзиёев. Бугунги кун офтальмологояси тарққиёти учун бундан 70 йил олдин фидокорона хизматлари эвазига ўтган асрнинг 50 йилларида трахома касаллиги минглаб кишиларнинг кўр бўлиб қолишига сабаб бўлганида биринчи фидойи ўтган авлодларимиз хоти-раси учун ва келажак авлоднинг янада юксак мэрраларга эришиши учун ушбу мақолани яратиш вазифа қилиб қўй-илди. **Материал ва услублар.** Тарихий манбалар. **Натижалар.** "Тарихга назар – бу келажакнинг мевасидир", – деган доноларимиз. Сурхондарё вилояти офтальмология шифохонаси 1953 йилда алоҳида трахома диспансери бўлиб 1 вилоят шифохонасидан ажralиб чиқсан ва биринчи бош шифокор этиб Залибина П. В. тайинланган. Бу маскан бу-гунги кунда нафақат даволаш маркази, балки Тошкент тиббиёт академиясининг Термез филиали талабалари учун ўқув марказига ҳам айлантирилганлиги диққатга сазовордир. 2020 йили Тошкент тиббиёт академиясининг Термез филиалида Офтальмология кафедраси ташкил этилда ва Мухамадиев Р. О. томонидан тиббиёт олий таълим муассасалари бакалаврлари учун ўзбек, рус ва инглиз тилларида Офтальмология фанидан дарслик яратилди ва чоп этилди.

Калитли сўзлар. Сурхон, трахома, микрохирургия, офтальмология.

Иктибос учун:

Мухамадиев Р. О. Сурхондарё вилояти офтальмология хизматининг тарихи. Илгор офтальмология. 2023; 3(3):197-201

ИСТОРИЯ ОФТАЛЬМОЛОГИЧЕСКОЙ СЛУЖБЫ СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ

Мухамадиев Р. О.

Доктор медицинских наук, профессор кафедры Офтальмологии, Термезский филиал Ташкентской медицинской академии.

Аннотация. Актуальность. "Необходимо создавать нашу национальную историю в национальном духе. В противном случае это не будет иметь воспитательного эффекта. Нам нужно приучать нашу молодежь извлекать уроки из истории, делать выводы, вооружать их исторической наукой, историческим мышлением", – Шавкат Миромонович Мирзиёев. Для прогресса сегодняшней офтальмологии было решено создать эту статью, в память о наших первых самоотверженных поколениях. В 50-х годах прошлого века благодаря их бескорыстному служению, 70 лет назад, когда трахома стала причиной слепоты тысяч людей, и для будущего поколения для достижения более высоких целей. **Материалы и методы.** Исторические источники. **Результаты.** Наши мудрецы считают, что взгляд на историю – это плод этого будущего. В 1953 году из Сурхандарьинской областной офтальмологической больницы был выделен трахомный диспансер, как 1-я областная больница и первым главным врачом была назначена Залибина П. В. Примечательно, что эта резиденция сегодня стала не только лечебным центром, но и учебным центром для студентов Термезского филиала Ташкентской медицинской академии. В 2020 году в Термезском филиале Ташкентской медицинской академии была создана кафедра Офтальмологии возглавляемая Р. О. Мухамадиевым. Для бакалавров направлений медицинских образований был создан и издан учебник по предмету Офтальмология на узбекском, русском и английском языках.

Ключевые слова. Сурхандарья, трахома, микрохирургия, офтальмология.

HISTORY OF THE OPHTHALMOLOGICAL SERVICE OF SURKHANDARYA REGION

Mukhamadiev R. O.

Doctor of Medical Sciences, Professor of the Department of Ophthalmology, Termez branch of the Tashkent Medical Academy

Annotation. Relevance. "It is necessary to create our national history in the national spirit. Otherwise, it will not have an educational effect. We need to teach our youth to learn lessons from history, draw conclusions, arm them with historical science, historical thinking," Shavkat Mirziyoyev said. To spread ophthalmology today, I set myself the task of creating this article 70 years ago, in exchange for selfless services, when trachoma disease in the 50s of the last century led to the blindness of thousands of birnches dedicated to the memory of our past generations and to the future generation to achieve even more. higher heights. **Material and methods of research.** Our sages believe that a look at history is the fruit of this future

Surkhandarya Regional Ophthalmological Hospital was established in 1953 as a trachomic dispensary in Aloxiда, separated from the 1st regional hospital and appointed the first chief physician of Zalibina P. V. appointed. **Results.** It is noteworthy that today this residence has become not only a medical center, but also a training center for students of the Termez branch of the Tashkent Medical Academy. In 2020, the Department of Ophthalmology headed by R. O. Mukhamadiev was established in the Termiz branch of the Tashkent Medical Academy. The University has published a textbook on ophthalmology for bachelors of medicine in Uzbek, Russian and English.

Key words: Surkhan, trachoma, microsurgery, ophthalmology.

Долзарбилиги. "Миллий тарихимизни миллий руҳ билан яратиш керак. Акс ҳолда унинг тарбиявий таъсири бўлмайди. Биз ёшларимизни тариҳдан сабоқ олиш, хуоса чиқаришга ўргатишимиш, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз зарур", – Шавкат Миромонович Мирзиёев.

Мақсад ва вазифа. Бугунги кун офтальмологияси тарққиёти учун бундан 70 йил олдин фидокорона хизматлари эвазига ўтган асрнинг 50 йилларида трахома касаллиги минглаб кишиларнинг кўр бўлиб қолишига сабаб бўлиганида биринчи фидойи ўтган авлодларимиз хотираси учун ва келажак авлоднинг янада юксак мэрраларга эришиши учун ушбу мақола яратиш вазифа қилиб қўйилди.

Тахлил. Тарихга назар – бу келажакнинг мевасидир деган доноларимиз. Сурхондарё вилояти офтальмология шифохонаси 1953 йилда алоҳида трахома диспансери бўлиб 1 вилоят шифохонасидан ажралиб чиқсан ва биринчи бош шифокор этиб Залибина П. В. тайинланган. Озроқ ўтмишга назар ташлайдиган бўлсак, трахома касаллигининг азобларини бугунги авлод дуруст тасаввур қила олмайди. Аммо ўтган асрнинг 50–60 йилларда яшаган ота-боболаримиз, бу касалликнинг номини эшитсалар ҳам оғир хўрсиниб қўйишади. Сабаби, ўша йиллари трахома Сурхондарё вилоятда ниҳоятда кенг тарзда тарқалган, уни даволовчи на бирор махаллий мутахассис, на бу юқумли касалликга чалинган кишиларни ётқизадиган бирор шифохона бор эди. Танг ахвол тақозоси билан чор Россияси зобитлари отбоқарлари учун қурилган уйнинг учтасининг оралари бирлаштирилиб, 1953 йилда трахома касалигини даволайдиган 150 ўринли касалхона очилди.

Бундай зўраки шифохоналар вилоятимизнинг барча туманларида (Сариосиёда 40, Деновда



60, Шўрчи, Жарқўрғонда 60 ўрин, Ангорда 40 ва Шерободда 60 ўринли) шифохоналар ҳам ташкил этилди. Вилоят трахома диспансери аталмиш бу масканда Дина Зиновьевна Каэм, Александра Васильевна Балганова, Иван Матвеевич Бутко каби шифокорлар ўшайиллари қилган меҳнатлари билан одамлар қалбida чуқур ўрин олиб кетдилар. 9–10 йиллик узлуксиз олишувдан сўнг хасталик чекинди ва 1960 йилда Сурхондарё вилоятда трахома касаллиги бутунлай тугатилди. 150 ўринли вилоят трахома шифохонаси бўшаб қолди. Кейин унда-мунда чиқиб турадиган кўз хасталиклари учун 30 ўринли офтальмология шифохонаси ташкил этилди ва унга Иван Матвеевич Бутко бош шифокорлик қилди. 1967 йилдан бошлаб вилоят кўз касалликлари шифохонасига бош хакимлик қилган Р. Н. Нарзиев Тошкентда амалга ошириладиган кўп операцияларни ўз зиммасига олиб, вилоятнинг ўзида қила бошлади. Фақат Терmez шаҳрида эмас, барча туманларга юриб, туман касалхоналарида жарроҳлик қилди. Бу катта ватанпарварлик, фидойилик эди! Р. Н. Нарзиев бор-йўғи 5 йилга яқин шифохонамизга раҳбарлик қилди. Бахтсиз автохалоқат уни орамиздан бевақт олиб кетди. Аммо у ўша 5 йил ичida баъзи кимсалар бир умр яшаб ишлаб қила олмайдигон ибратли ишларни қилиб кетди.

Айтиш мумкинки, Р. Н. Нарзиев вилоятимизда кўз касалликларини муваффақиятли даволашда ўзига хос йўл яратди, вилоят офтальмологларига етакчилик қилиб, кўз касалликларини даволаган хакимлар Л. Х. Хайтов, М. Х. Хошимовлар ҳам хастадил, хастагавхарлар билан ишлаш билан биргаликда, шифокорлар учун даволашга беморлар учун даволанишга хеч булмаса, энг оддий шароитлар яратиш учун илғор тиббиёт ускуналарини олиб келиш учун кўп харакат қилишган. 1975 йилда Мухаббат Хайдаровна Хошимова ёнидан 40 ўринли янги бўлим,





операция хонаси билан қуриб, ишга туширди. Иситиш тармоқлари газлаштирилди. 1984 йилда янги қабулхона, стерилизация бўлими ишга туширилди. Булар ўша даврда рахбарлик қилган кишиларнинг хам уйқусиз тунлари-ю, бехаловат кунлари эвазига қурилганлиги хаммага хам маълум эмас. Аммо 40 ўринли шифохона экология кундан кунга катта муаммога айланадиган бир вазиятда бир миллиондан ошиқ ахоли яшайдигон вилоят маркази учун дарёга томчи сувдек бир гап эди. Шунга қарамасдан, шифокорларимиз ўз халоватларидан кечиб бўлсада, ўша 40 ўринли шифохонада хамиша 100–120 нафар беморни қабул қилиб, даволаб, жасорат билан меҳнат қилишди. Ўзустиларида ишлашибди, изланишибди, кўз хасталикларини енгишда янги қутбларни забт эта боришди. Тошкент ёки Самарқанддан малакали мутахассислар чақириб қилинадиган кўплаб операциялар ана шу шароити оғир шифохонада махаллий мутахассислар томонидан амалга ошириладигон бўлди.

1975 йили Мухамадиев Р.О. Москва ва Самарқанд клиникаларида ординатура, аспирантура даврида орттирган тажрибаси орқали ёш болаларда учрайдиган катаракта, глаукома, кўз ғилайлиги, кўз ёш йўлларининг туғма берклигини бартараф қилиш, хидалашган кўз гавхарини қорачиқни кесмасдан чиқариб олиш операцияларни амалга ошира бошлади. Беморлар учун операция қилишда фақат кесиш учун скапел ўрнига лезвияни синдириб кесишни жорий қилди. Операция столи устида тик туриб операция қилиш қийинлигини хисобга олиб, ўтириб операция қилишни ташкиллаштириди. 1977

йили ҳали жумхурият учун катта янгилик бўлган микроскопостида кўз операциялари қилиш жорий этилди. 1979 йилдан бошлаб жуда мураккаб ва ўта нозик хисобланган, ўша пайтларда фақат Одесса ва Москва шаҳарлари маҳсус клиникаларида амалга ошириладиган, кератопластика операциялари жорий этилди. 1988 йилда норентабел тумандаги барча 40 ва 60 ўринли офтальмология бўлимлари қисқартирилиб фақат Термезда ва Деновда 140 офтальмологик ўринлар қолдирилди ва улар замонавий аппаратуралар ва микрохирургик асбоб ускуналар билан жихозланди.

1990 йилда Японидан 100000 АҚШ долларига энг замонавий компьютерли визометр, оптометр, тонометр, биомикроскоп, корнеометр ва операция микроскоплари харид қилинди.

2002 йилда шу шифохонада дунёда биринчи марта мурда тўқимаси ўрнига кўз касалликларини даволаш учун қўйнинг юраги пардасидан ксенотрансплантат яратилди.

1993 йилдан бошлаб сассиқ шифохона аталмиш кулбадан холи бўлдик. 160 ўринли замонавий кўз касалликлари клиникаси қурилиб ишга туширилди.

2006 йилда Англияда ўтказиладиган конкурсда Мухамадиев Р.О. дунёning энг яхши шифокори танлови галиби бўлди ва олтин медал билан мукофотланди.

Валиев Тошпўлат Чориевич 2008–2014 йилларда вилоят офтальмология шифохонасида бош врач лавозимида ишлаган ва бу даврда кератопротезлаш сингари ўта мураккаб операцияни хам амалга ошириди. Халқимиз соғлиги йулидаги самарали меҳнатлари учун 1997 йил



«Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғликни саклаш ходими» унвони билан тақдирланди.

Сайдалиев Ўкта́м Тошбоевич 2016 йилда вилоят офтальмология шифохонаси бош

шифокори бўлиб ишлади ва замонавий операция микроскоплари билан шифохона нуфузини мустажкамлади.

Абдиназаров Дилшод Абдинабиевич 2017

йилда вилоят офтальмология шифохонаси бош шифокори ловозимида фаолият юритди ва факоэмульсификация операцияларини жорий қилди.

Махмудов Нарзикул Ходжаназарович 2018 йилда Сурхондарё вилоят офтальмология шифохонаси бош шифокори бўлиб ишлаган пайтда 526 минг долларлик замонавий асбоб ускуналар харид қилиб шифохонани Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия илмий–амалий тиббиёт маркази Терmez филиалига айлантириди.

Хотима. Ўтган асрнинг ўрталарида ташкиллаштирилган Сурхон офтальмологиясининг тизимили ривожи 1960 йилларда вилоятда трахоманинг бутунлай тугатилиши билан якунланди. 1960 ва 1970 йилларда глаукома, катаракта, туғма кўз касалликларини даволашни махаллий офтальмологлар хам вилоятда малакали амалга оширадиган бўлишдилар. 1970–1980 йилларда кўз микрохирургиясига асос солинди. 1980–2000 йилларда малакали офтальмологлар хизматлари эвазига интраокуляр линза ва глаукоманинг замонавий операцияларини хам бежирим бажарадиган даражаларга эришилди. Кўп сонли ўринлар қисқартирилиб, кам сонли ўринлар билан

ҳам малакали сифатли амалиётларни амалга оширадиган бўлишдилар. 2000 йилларда илмий салоҳиятга катта эътибор берилиб, вилоятда 20 дан ортиқ офтальмологик ихтиrolар қилинди. 2017 йилдан бошлаб вилоятда офтальмология хизмати жаҳон стандартлари қаторига чиқарилди. Эндики кунда беморлар оптик когерент томография, ультратовуш, аргон ва яшил лазер аппаратлари билан ва бошқа қатор диагностик аппаратуралар билан бойитилиб, вилоятда офтальмология хизмати жаҳон стандартлари қаторига чиқарилди. Бу қисқа даврда беморларга диагностика ва даволаш ҳамда операция жараёнлари хозирги замон талаблари даражасига кўтарилиб 80% беморлар стационарда ётиб эмас, амбулатор ҳолатда даволаниб чиқиб кетадиган бўлишди. Бу маскан, бугунги кунда, нафақат даволаш маркази, балки Тошкент тиббиёт академиясининг Терmez филиали талабалари учун ўқув марказига ҳам айлантирилганлиги диққатга сазовордир. 2020 йилда Тошкент тиббиёт академиясининг Терmez филиалида Офтальмология кафедраси ташкил этилди ва Мухамадиев Р.О. томонидан тиббиёт таълим муассасалари бакалаврлари учун ўзбек, рус ва инглиз тилларида Офтальмология фанидан дарслик чоп этилди.

АДАБИЁТЛАР

1. Мухамадиев Р.О. Сурхон тиббиётининг 100 йиллик тарихи. Терmez. 2022 й.